

**КЎЧАТ УСУЛИДА ЕТИШТИРИЛГАН ШОЛИНИЎСИБ
РИВОЖЛАНИШИГАЭКИШ СХЕМАСИ ВА
МУДДАТЛАРИНИТАҶИРИ**

Усмонов Илёсбек Иномович,

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Ўсимликиунослик, соя ва мойли экинлар кафедраси доценти*

Хатамова Дилафруз Сирожиддин қизи,

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
талаабаси*

Аннотация Ушбу мақолада шоли ўсимлигини ўсиб ривожланишига етишиши агротехникасининг таъсирини ишлаб чиқиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Кўчат усулида тақрорий экин сифатида етишиши технологиясининг айрим элементларини-минтақалар иқлим шароитларига талабларига мос келадиган илмий жиҳатдан асосланган навларни танлаш, уларнинг мақбул кўчат сони, экиши схемаси ва муддатларини ўсимликни ўсиб ривожалишига таъсирини аниқланган.

Калим сўзлар: шоли, экиши муддатлари, экиши схемаси, кўчат сони, ўсиб ривожланиши.

Ер юзидаги кўпгина мамлакатларда шоли энг қадимги ва қимматли озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳисобланади. Гуруч одам организми учун юқори тўйимлилиги (3594 ккал), сифатлилиги ва яхши ҳазм бўлиши билан (96%) ажralиб туради. Унинг таркибида организм учун керак бўлган озиқа моддалар: оқсил, фосфорли бирикмалар ва витаминалар мавжуд. Шунинг учун, жаҳон бўйича шоли экиладиган майдонлар йилдан йилга кенгайиб бормоқда. [1]

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Ғаллачиликнинг асосий тармоқларидан бири, шоличилик Республика ғалла балансида мухим ахамиятга эга булиб ахолининг озиқ-овқат таъминотида алоҳида эътиборга лойикдир.

Шоличиликни ривожлантиришни долзарб вазифа эканлигини ҳисобга олиб, хукуматимиз бу соҳага жиддий эътибор қаратмокда, яъни тараққиётнинг экстенсив ва интенсив йўлларини баробар олиб бориш учун саъий-харакатлар кўрсатмокда. Шоли етиштириш ҳамда харид қилишнинг ягона тизимини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 27 октябрь куни “Давлат эҳтиёжлари учун шоли харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фарғона водийси шароитида, айниқса кузги ғалладан бўшаган майдонларда шоли етиштириш ва бир йилда бир майдондан икки марта ҳосил олиш учун ердан унумли фойдаланиш катта ахамиятга эга.

Кўчат усулида шоли етиштириш ўта самарадор усулигини ҳисобга олиб Фарғона водийсида ғалладан бўшаган ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга қийинчилик туғдирадиган майдонларда (дарё ва сой соҳиллари, тошлоқ ерлардан унумли фойдаланиб) шолининг эртапишар “Тарона”, ўртапишар “Искандар” навларини қўчат сони, экиш схемаси ва муддатларининг шоли ўсимлигини ўсиб ривожланишига таъсирини ўрганиш мақсадида биз бир қатор тажрибалар ўтказдик.

Шоли ўсимлигига ўсиш даврининг ва ҳосилдорлигининг экиш муддатларига ва меъёрларига боғлиқлиги ҳақида жаҳон бўйича ҳам, МДҲ давлатлари худуди бўйича ҳам ва Марказий Осиё республикалари бўйича ҳам бир-биридан қимматли илмий манбалар ҳамда маълумотлар жуда кўп бўлиб, улардан айримларини тажрибаларда аниқланган. Экиш муддатини аниқлаш ҳар бир навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш асосида бўлади, бунда маълум минтақа табиий иқлим ва тупроқ шароити албатта ҳисобга олинади. [2]

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Рахимов Г.Н., Асраров А., Эгамова М. лар Ўзбекистоннинг шоликор хўжаликларида шолининг кечпишар навлари учун экиш муддатлари 20-25 апрелдан 10-15 майгача, ўртапишар навлар учун 1-15 майгача ва эртапишар навлар учун эса 15-20 майдан 5-10 июнгача экиш юқори ҳосил олишни таъминлайди деб тавсия берадилар. [3]

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра шолининг шолининг эртапишар “Тарона”, ўртапишар “Искандар” навларини экиш муддатлари ва схемалари шолининг турли ўсув даврларидағи ривожланишлар билан ўзаро боғлиқлик эканлиги исботлаб берилди.

Тажрибалар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти хузуридағи “Ахборот-маслаҳат маркази (extension center)” давлат унитар корхонасидалаларида олиб борилди. Дала шароитида кўчат усулида экиш муддатларига биноан кўчатлар далага олиб чиқиб экилди. Ўсимликларнинг ўсув даврларини кечиш жараёнлари синчиқлаб аниқлаб борилди.

Андижон вилояти шароитида далага шоли уруғини экишнинг 25 май муддати олиниб, далага уруғидан экилган шоли кўчатлари 25 июн, 5 ва 15 июл муддатларида кўчат усулида экиладиган вариантлар жойлаштирилди. Шолининг барча ўсув даврларини ўтишига экиш схемаси, кўчат сони ва экиш муддатларининг таъсири кузатилди.

Шоли ўсимлигининг туплаш бошланиш даврида ҳар икки навда ҳам экиш муддатлари ва экиш схемаларидан қатъий назар, вариантлар орасида кескин фарқ бўлмади.

Рўваклаш ва гуллаш даврлари учун сарф бўлган кунлар, экиш муддатларига нисбатан шундай хulosага келиш мумкинки, ҳар икки навда ҳам дастлабки (25 июн) экиш муддатига нисбатан кейинги (5 июль ва 15 июль) экиш муддатларида ривожланишнинг барча даврлари 2-5 кунга узоқ бўлди, лекин ушбу жараён унинг ҳосилдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Искандар шоли навида пишиш давригача бўлган энг қиқа муддат (108 кун) шолини 30x10x3 схемада 15.07. да экилганда аниқланди. Ушбу навни

эрта муддатда (25.06) 30x10x1 схемада экилганда 30x10x3 схемада 15.07. да экилган вариантларга нисбатан узокроқ (112 кун) вақт кетди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, такорий экинда вегетация даври қисқароқ бўлганликлари туфайли униб чиқиш, тупланиш ва бошқа даврлар орасидаги кўрсаткичлар жадалроқ ўтганлиги кузатилди. Яъни, Андижон вилоятида биринчи муддатда экилган “Тарона” нави кўчат қилиб етиширилганида 108-112 кунда пишиб етилди.

Бундан кўриниб турибдики шолини такорий экин сифатида асосий далада эрта муддатда экилганга нисбатан мақбул муддатда экилиши ўриб янчиш ишлари учун катта имконият туғдириш билан бир қаторда 20 кун мобойнида асосий далада сув бўлмаган ва сув хам иқтисод қилинган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Эргашев. М. А. Уругликми ёки кўчат? // Ж.«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 2006 №3, 21-б.
2. Джуманов З.Н., Махмудова С.Ш., Эгамназаров А. Кўчат усулида шоли етишириш. // ж. Узбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003. №-4. 19-б.
3. Рахимов Г.Н., Асраров А., Эгамова М. Андижон вилояти шароитида шолини кўчат усулида етишириш. Шоличилик ва дуккаккли дон экинларини ривожлантиришнинг истиқболлари; нав яратиш, уруғчилик, янги технологияларни жорий қилиш. Тошкент. Мехнат. 1998. 46-б.
4. F. Pulatov. THE INFLUENCE OF PEANUT DATE AND SCHEMES ON PLANT THICKNESS Экономика и социум. 2023 Б 294-296
5. Djurayev M. Y., Usmonov I. I., Xoldarova D. E. Effect of tumat biostimulator on autumn grain wheat yield and its quality //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 1942-1945.
6. Тешабоев, А., Пулатов, Ф., Тагаев, А., Ахмаджонов, Б., Парпиев, Г., Усмонов, И., & Атакажиева, Ф. (2023). Уруг экиш муддатлари ва меъёrlарини кўчатларнинг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсири. HOLDERS OF REASON, 2(1), 153-165.